Asosiy guruhda kontaktli holatlar ulushi 14,3% ni tashkil etdi. Ushbu ko‘rsatkich COVID-19 infeksiyasi ta’sirida ijtimoiy munosabatlar va infeksiya tarqalish ehtimolining ortishi bilan izohlanadi. Shuningdek, bu holat immun tizimning zaiflashishi natijasida kontaktdagi shaxslar orasida infeksiya tarqalish xavfi kuchayishini ko‘rsatadi.

Nazorat guruhida kontaktli holatlar 9,5% ni tashkil etdi. Bu nisbatan past ko‘rsatkich bo‘lib COVID-19 ta’sirisiz shart-sharoitlarda tuberkulezning tarqalishi cheklanganligini anglatadi. Nazorat guruhida infeksiya tarqalishiga asosan tuberkulyozning rezistent formalari va davolash jarayonlaridagi kamchiliklar sabab bo‘lishi mumkin. Asosiy va nazorat guruxlari o‘rtasidagi farq COVID-19 infeksiyasi tarqalishining ijtimoiy va immunologik omillarga bog‘liq bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatadi. Bu holat COVID-19 bilan bog‘liq epidemiologik tadbirlarning axamiyatini yana bir bor ta’kidlaydi.

Tadqiqotning maqsadlariga ko‘ra xar ikki guruxning demografik ko‘rsatkichlarini solishtirish va kasallikning tarqalishi, xamda xavf omillarini aniqlash nuqtay nazaridan 2-jadval keltirildi.

Ushbu jadval COVID-19 va tuberkulyoz bilan kasallangan bemorlarning asosiy hamda nazorat guruhlari bemorlarning yoshi va jinsi bo‘yicha taqsimlanishini ko‘rsatadi.

2-Jadval.

Bemorlarning yoshi va jinsi bo‘yicha xususiyatlari

Guruh		Yosh						Jinsi	
		17	20-29	30-39	40-49	50-59	60 va undan katta	erkak	ayol
Asosiy guruh	n=91	-	13	14	17	24	23	45	46
	%	-	14,3	15,3	18,7	26,4	25,3	49,5	50,5
Nazorat guruhi	n=116	1	7	15	30	40	23	103	13
	%	0,8	5,9	12,8	25,6	35,0	19,7	88,8	11,2

Izoh: "Abs." miqdor – mutlaq miqdor, foiz (%) esa har bir yosh yoki jins bo‘yicha ulushini bildiradi.

Taxlil natijalariga ko‘ra asosiy guruhda bemorlarning eng katta ulushi 50-59 yoshdagi shaxslarga (26,4%) va 60 yoshdan katta bo‘lganlarga (25,3%) to‘g‘ri keladi. Bu holat, COVID-19 bilan kasallangan tuberkulyoz bemorlarning o‘rta va katta yoshli qatlamda yuqori foizga ega ekanligini ko‘rsatadi. Yosh guruhlari (20-39) orasida kam ulush qayd etilgani esa, virusning yoshi katta tuberkulyoz bemorlari uchun ko‘proq xavfli ekanligini isboralaydi. Nazorat guruhida faqat tuberkulez bilan kasallangan bemorlar yoshi bo‘yicha taqsimot quydagicha: 50-59 yoshdagi bemorlar 35,0% ni va 40-49 yoshdagi bemorlar 25,6% ni va 60 yoshdan katta bo‘lganlar 19,7% ni tashkil etdi. Bu tuberkulyozning asosan ish qobiliyati yuqori bo‘lgan o‘rta yoshdagi shaxslarga ko‘proq ta’sir qilishini ko‘rsatadi.

Asosiy guruhda COVID-19 va tuberkulez bilan kasallangan bemorlar yoshi katta (50-59 va 60 yoshdan katta) bemorlar ulushi yuqori bo‘lgan holda, nazorat guruhida yoshi katta guruhlarga qaraganda o‘rta yoshli shaxslar ko‘proq uchraydi. Bu holat COVID-19 bilan

asoratlangan tuberkulezning katta yoshli bemorlar orasida keng tarqalganligini tasdiqlaydi.

Asosiy guruhda jins bo‘yicha taqsimot teng ekanligi kuzatiladi. Erkaklar va ayollar har biri deyarli 50% ulushni tashkil qiladi. Bu holat COVID-19 va tuberkulyozning erkaklar va ayollar uchun birdek xavfli ekanligini ko‘rsatadi.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra nazorat guruhida (faqat tuberkulez bilan kasallanganlar) erkaklar 88,8% ni tashkil qiladi, ayollar esa 11,2% ulushga ega. Bu holat tuberkulyozning erkaklar orasida ko‘proq tarqalganligini tasdiqlaydi. Buning sabablari sifatida erkaklarning ko‘proq tamaki chekishi, alkogol iste’mol qilish va xavfli ish sharoitida mexnet ishi kabi omillar ko‘rsatilgan. Shuningdek, erkaklar sog‘likni saqlash xizmatlariga kamroq murojaat qilishlari xam kasallikning kech aniqlanishiga olib kelishi mumkin.

Asosiy guruhda jins bo‘yicha teng taqsimot kuzatildi. COVID-19 infeksiyaning har ikki jinsga birdek ta’sir ko‘rsatishi va tuberkulez bilan koinfeksiya hollarida jinsiy disproporsiyani tenglashtirish mumkinligini ko‘rsatadi. Bu holatning sabablari to‘liq o‘rganilmagan bo‘lsa-da, COVID-19ning immunitet tizimiga ta’siri va har ikki jinsning virusga birdek sezuvchanligi bu tenglashuvga olib kelishi mumkin.

Shunday qilib tadqiqot natijalari tuberkulezning erkaklar orasida yuqori tarqalganligini ko‘rsatadi. Bu esa sog‘liqni saqlash sohasida erkaklar uchun maxsus profilaktika va davolash dasturlarini ishlab chiqish zarurligini anglatadi. Shu bilan birga, COVID-19 va tuberkulez bilan koinfeksiya xollarida jinslar o‘rtasida teng taqsimot kuzatilgan xar ikki jins uchun ham birdek profilaktika va davolash choralarini ko‘rish muximligini ta’kidlaydi. Bu esa epidemiologik tadqiqotlar va sog‘liqni saqlash strategiyalarini ishlab chiqishda jins va yosh omillarini hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi.

Bemorlarning ijtimoiy tarkibi COVID-19 va tuberkulez kabi infeksion kasalliklarning tarqalishiga ta’sir etuvchi muxim omillardan biri xisoblanadi. Axoli ijtimoiy qatlami o‘rtasidagi farqlar, mazkur kasalliklar xavfini aniqlash va profilaktika strategiyalarini ishlab chiqishda muxim axamiyat kasb etadi. 3-Jadvalda COVID-19 va tuberkulyoz bilan kasallangan bemorlarning ijtimoiy tarkibi taqqoslanadi.

3-Jadval.

Bemorlarning ijtimoiy tarkibi

Ijtimoiy tarkib	Asosiy guruh, n=91		Nazorat guruhi, n=116	
	Abs	%	Abs	%
Ishlaydiganlar	28	30,8	8	6,7
Ishsizlar	37	40,7	74	63,8
Pensionerlar	18	19,8	8	6,9
Nogironlar	8	8,8	26	22,4

1. Ishlaydiganlar: Asosiy guruhda ishlaydiganlar 30,8% ni tashkil etgan bo‘lsa, nazorat guruhida bu ko‘rsatkich 6,7% ga teng. Bu COVID-19 bilan bog‘liq holatlarda kasbiy faol shaxslarning infeksiyaga chalinish xavfi yuqori ekanligini ko‘rsatadi. Xar kungi ish faolyati davomida jamoat joylarda ko‘proq bo‘lishlari infeksiya xavfini oshiradi. Shuningdek, ish sharoitida shaxsiy ximoya vositalarining yetishmasligi ham infeksiya tarqalishiga xissa qo‘shishi mumkin.

2. Ishsizlar: Asosiy guruhda ishsizlar ulushi 40,7% bo‘lib, nazorat guruhida bu ko‘rsatkich 63,8% ni tashkil qiladi. Bu ijtimoiy himoyasiz qatlamlar (ishsizlar) orasida tuberkulez tarqalishi yuqori ekanligini ko‘rsatadi. Tekshiruvlar shuni ko‘rsatdiki, ishsizlik immunitet tizimining pasayishiga, stress darajasining oshib ketishiga va qiyinchiliklar sababli to‘g‘ri tibbiy yordam olish imkoniyatining cheklanishiga olib keladi.

3. Pensionerlar: Asosiy guruhda pensionerlar ulushi 19,8% ni, nazorat guruhida esa

6,9% ni tashkil etadi. Yoshi katta bo‘lganligi sababli ularning immun tizimi sustlashadi, bu esa xam tuberkulez, xam COVID-19 tarqalishiga imkon yaratadi. COVID-19 bilan asoratlangan holatlarda yoshi katta pensionerlar xavf guruhiga kirishadi.

4. Nogironlar: Asosiy guruhda nogironlar ulushi 8,8% ni, nazorat guruhida esa 22,4% ni tashkil etadi. Bu tuberkulyozning nogironlikka olib keladigan kasallik ekaniligin ko‘rsatadi. Nogironlar ko‘pincha ijtimoiy faolligi past bo‘lgan, tibbiy yordamga muxtoj shaxslar bo‘lib, bu ularda kasallikning chuqurroq tarqalishiga olib kelishi mumkin.

Demak, COVID-19 va tuberkulyoz ijtimoiy qatlamlarga to‘rlicha ta’sir ko‘rsatadi. Ishlaydiganlar orasida COVID-19 infeksiyasining yuqish xafvi yuqori bo‘lsa, tuberkulez asosan ishsizlar, nogironlar va ijtimoiy ximoyasiz qatlamlarga ko‘proq ta’sir ko‘rsatadi. Yoshi katta pensionerlar xam har ikki infeksiya uchun xavfli gurux xisoblanadi, shuning uchun ularga aloxida profilaktika choralari ko‘rish zarur. Nogironlar va ishsizlar uchun davlat tomonidan ijtimoiy qo‘llab quvvatlash choralarini kuchaytirish va ularga tibbiy xizmatlardan to‘liq foydalanish imkoniyatini ta’sirlash zarur.

COVID-19 va TB koinfeksiyali bemorlarda tuberkulyozning klinik shakllarini uchrash chastotasini tahlili.

COVID-19 va tuberkulez koinfeksiyasi inson organizmda murakkab patofizialogik jarayonlarni keltirib chiqaradi. Bu jarayonlar har ikki kasallikning klinik ko‘rnishlari va shakllariga ta’sir ko‘rsatish mumkin. 4-jadvalda COVID-19 bilan asoratlangan tuberkulyoz (asosiy guruh) va faqat tuberkulyoz (nazorat guruhi) bilan kasallangan bemorlarda tuberkulyozning klinik formalari taqqoslangan. Ushbu taxlil tuberkulyozning turli shakllarining COVID-19 bilan bog‘liq ravishda o‘zgarishi xaqida muxim ma’lumot beradi.

4-jadval.

Tuberkulyozining klinik formalari

Klinik turlari	Asosiy guruh		Nazorat guruhi	
	n=91	%	n=116	%
KILTT	2	2,2	1	0,86
O‘choqli tuberkulez	20	21,9	12	10,3
Yallig‘langan tuberkulyoz	37	40,7	40	34,5
Kazeoz pnevmoniya	2	2,2	-	-
Tarqalgan tuberkulyoz	6	6,6	19	16,4
Generalizlashgan tuberkulyoz	3	3,3	-	-
Tuberkuloma	7	7,7	1	0,86
Kavernali tuberkulyoz	5	5,5	8	6,9
FKT	7	7,7	32	27,6
Sirrotik tuberkulyoz	1	1,1	2	1,7
Tuberkulyoz plevriti	1	1,1	1	0,86

Izoh: KILTT – ko‘krak ichi limfa tugunlari tuberkulyozi, FKT – fibroz kavernali tuberkulyoz.

1. KILTT (ko‘krak ichi limfa tugunlari tuberkulyozi): Asosiy guruhda 2,2% va nazorat guruhida 0,86% ni tashkil etdi. COVID-19 infeksiyasining yalig‘lanish jarayonlarini kuchaytirishi KILTT ning keng tarqalishiga sabab bo‘lishi mumkin. Bu ko‘rsatkich immun tizimidagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq bo‘lib, tuberkulezning noodatiy shakllari rivojlanishi ehtimolini oshiradi.

2. O‘choqli tuberkulyoz: Asosiy guruhda 21,9%, nazorat guruhida 10,3% ni tashkil etdi. Asosiy guruhda ushbu shaklning yuqori ko‘rsatkichi, COVID-19 infeksiyasining ta’siri ostida tez rivojlanishini anglatishi mumkin. Bu, infeksiyaning o‘pka to‘qmalarida qo‘shimcha zarar yetkazuvchi ta’sirini ko‘rsatadi.

3. Yallig‘langan tuberkulyoz: Asosiy guruhda 40,7%, nazorat guruhida 34,5% ni tashkil etdi. COVID-19 infeksiyasi yallig‘lanish jarayonini kuchaytirib, ushbu shaklning keng tarqalishiga xissa qo‘shadi. Bu yallig‘lanish jarayoniga ta’sir qiluvchi immunologik omillar chuqurroq o‘rganilishi zarur.

4. Kazeoz pnevmoniya: Asosiy guruhda 2,2%, nazorat guruhida qayd etilmagan. COVID-19 infeksiyasi o‘pkadagi og‘ir asoratlarga sabab bo‘lib, tuberkulyozning tez avj oluvchi shakllarini qo‘zg‘atishi mumkinligini ko‘rsatadi.

5. Tarqalgan tuberkulyoz: Asosiy guruhda 6,6%, nazorat guruhida 16,4% ni tashkil etdi. Bu shakl nazorat guruhida yuqori bo‘lib, faqat tuberkulyozga xos patogenezni ko‘rsatadi.

6. Generalizlangan tuberkulyoz: Asosiy guruhda 3,3%, nazorat guruhida qayd etilmagan. Generalizlangan tuberkulyoz asosiy guruhda uchragan, bu COVID-19 infeksiyasining tuberkulyozning tizimli shakllarini qo‘zg‘atishi mumkinligini ko‘rsatadi.

7. Tuberkuloma: Asosiy guruhda 7,7%, nazorat guruhida 0,86%. Tuberkuloma asosiy guruhda ko‘proq qayd etilgan. Bu COVID-19 bilan birgalikda o‘pka parenximasidagi turg‘un jarayonlarning rivojlanishini ko‘rsatadi. Bu o‘pka parenximasidagi uzoq davom etuvchi zararlanish jarayonlari bilan bog‘liq.

8. FKT (fibroz-kavernoz tuberkulyoz): Asosiy guruhda 7,7%, nazorat guruhida 27,6%. Nazorat guruhida ushbu shakl ko‘proq uchraydi. Bu xolat fibroz jarayonlari va kaverna shakllanishining asosan tuberkulyozga xosligi yuqoriroq ekanligini ko‘rsatadi.

9. sirrotik tuberkulyoz: Asosiy guruhda 1,1%, nazorat guruhida 1,7%. sirrotik shakl har ikki guruhda ham kam uchraydi.

10. Tuberkulyoz plevriti: Asosiy guruhda 1,1%, nazorat guruhida 0,86%. Plevrit har ikki guruhda ham kam, ammo COVID-19 infeksiyasi uning rivojlanish ehtimolini oshirishi mumkin.

COVID-19 infeksiyasi tuberkulez shakllarining tarqalishi va rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Asosiy guruxda yallig‘lanish jarayonlari va o‘pkadagi og‘ir zararlanishlar ko‘proq kuzatilgan. Bu COVID-19 infeksiyasining tuberkulez patogenezini kuchaytirish imkoniyatini tasdiqlaydi. Shuningdek, nazorat guruxida kuzatilgan FKT va tarqalgan shakllar COVID-19siz holatlarda tuberkulezning ma’lum shakllari uchun xosligini ko‘rsatadi. Ilmiy taxlil ushbu kasalliklarning o‘zaro bog‘likligini yanada chuqurroq o‘rganish zarurligini ta’kidlaydi.

COVID-19 va TB koinfeksiyasida klinik tekshiruv natijalari tahlili

COVID-19 pandemiyasi davomida tuberkulez bilan og‘rigan bemorlarda ushbu ikki kasallikning birgalikda uchrashi (koinfeksiya) klinik ko‘rinishlarining o‘zgarishiga olib kelishi mumkin. Ushbu jadvalda COVID-19 va tuberkulyoz bilan bir vaqtda kasallangan bemorlar (asosiy guruh) hamda faqat tuberkulyoz bilan kasallangan bemorlarning (nazorat guruhi) klinik simptomlari tahlil qilinadi. 5-jadvalda har ikki guruxda kuzatilgan simptomlar taqqoslanadi, bu esa koinfeksiyaning klinik manzaraga qanday ta’sir ko‘rsatishini aniqlashga yordam beradi.

5-jadval.

Bemorlarda kasallikning klinik ko‘rinishlari

Simptomlar		Asosiy guruh		Nazorat guruhi	
		n=91	%	n=116	%
Holsizlik		77	84,6	100	86,2
Ko‘p terlash		37	40,7	31	26,7
Balg‘amli yo‘tal		72	79,1	86	73,5
Quruq yutal		20	21,9	19	16,4
Ko‘krak qafasida og‘riq		32	35,2	22	18,9
Nafas qisishi		43	47,3	50	43,1
Qon tupirish		10	10,9	10	8,6
Isitma	Bor	56	61,5	51	43,9
	yo‘q	35	38,5	65	56,1

Klinik simptomlarning taxlili COVID-19 va tuberkulez koinfeksiyasiga xos bo‘lgan patofiziologik jarayonlarni tushunushda muxum axamiyatga ega.

-Holsizlik har ikki guruhda ham yuqori uchraydi. Asosiy guruhda 84,6%, nazorat guruhida esa 86,2%. Bu ikki kasallikning umumiy patofiziologik jarayonlari, jumladan, yallig‘lanishning kuchliligi bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

-Ko‘p terlash asosiy guruhda sezilarli ravishda yuqori (40,7%) bo‘lib, nazorat guruhida esa 26,7% ni tashkil etadi. Bu COVID-19 yallig‘lanish jarayonlarning to‘qima o‘tkazuvchanligiga kuchli ta’sir ko‘rsatishi mumkinligidan darak beradi.

-Balg‘amli yo‘tal har ikki guruhda ham keng tarqalgan. Bu ko‘rsatkich asosiy guruhda 79,1%, nazorat guruhida 73,5% ni tashkil etadi. Bu simptom tuberkulyozning asosiy ko‘rinishlaridan biri ekanligini yana bir bor tasdiqlaydi.

-Quruq yo‘talning ulushi asosiy guruhda nisbatan yuqori (21,9%), nazorat guruhida esa 16,4% ni tashkil etadi. COVID-19 infeksiyasi nafas yo‘llarida qo‘shimcha yallig‘lanish jarayonlarini qo‘zg‘atish extimoli bor.

-Ko‘krak qafasida og‘riq asosiy guruxda 35,2% ni tashkil etsa, nazorat guruhida esa 18,9% ni tashkil qiladi. COVID-19 yallig‘lanish jarayonlarining nafas olish tizimiga kuchli ta’sirini ko‘rsatadi.

-Nafas qisishi har ikki guruhda yuqori uchraydi. Asosiy guruhda 47,3%, nazorat guruhida 43,1% ni tashkil etadi. COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan bemorlarda nafas qisishi kam farq bilan yuqori ekanligi qayd etildi.

-Qon tupirish har ikki guruhda deyarli bir xil ko‘rsatkichlarga ega (asosiy guruhda 10,9%, nazorat guruhida 8,6%). Bu simptomning COVID-19 bilan bog‘liq holatlarda ahamiyatli farqi qayd etilmadi.

-Istma asosiy guruhda yuqori (61,5%), nazorat guruhida esa 43,9% ni tashkil qiladi. Isitmaning yuqori ko‘rsatkichlari COVID-19 infeksiyasining yallig‘lanish jarayonlarini kuchaytirishiga dalil bo‘ladi.

Isitmaning yo‘qligi asosiy guruhda 35,8%, nazorat guruhida esa 56,1%. Bu xolat tuberkulezning ba’zi turlarida isitmasiz kechishi mumkinligini ko‘rsatadi.

Demak, COVID-19 va tuberkulyozning birga uchrashi ko‘p terlash, ko‘krak qafasida og‘riq va nafas qisishi kabi simptomlarining yuqori uchrashiga olib kelishi mumkin. Bu xolat COVID-19 infeksiyasining yallig‘lanish jarayonlariga kuchli ta’sir ko‘rsatishi, shuningdek tuberkulez jarayonlarini og‘irlashtirishi mumkinligin ko‘rsatadi. Ushbu ma’lumotlar kasallikni erta aniqlash va samarali davolash strategiyalarini ishlab chiqishda muximdir.

Simptomlarning kasallikka xos va umumiy xususiyatlarini inobatga olib, COVID-19 bilan asoratlangan tuberkulyoz holatlarini tezkor va aniq diagnostika qilish zarur. Nafas qisishi va ko‘krak qafasida og‘riqqa e’tibor qaratish orqali har ikki kasallikning salbiy asoratlarini kamaytirish imkoni mavjud. Asosiy guruhda ko‘p terlash va ko‘krak og‘rig‘i kabi simptomlar salmoqli farq bilan yuqoriroq ekanligini nazarga olinib, ularni davolashga qaratilgan alohida strategiyalarni ishlab chiqish tavsiya etiladi.

COVID-19 va TB koinfeksiyasida laborator va nur tekshiruv natijalari tahlili

COVID-19 va tuberkulyozning birgalikda uchrashi klinik diagnostika va davolash jarayonlarini murakkablashtiradi. Shu bois, ushbu bemorlarda laborator va nur tekshiruv natijalarini taxlil qilish muxim axamiyatga ega.

6-jadval.

Tuberkulez mikobakteriyalarini aniqlash usullari va natijalari

Tekshirish usuli		Asosiy guruh (COVID-19 va tuberkulyoz)		Nazorat guruhi (faqat tuberkulez)	
		n=91	%	n=116	%
Balg‘am (MBT+)	Bakterioskopiya	40	43,9	24	20,7
	Kultural ekish usuli	23	25,3	13	11,2
Jami (MBT+)		63	69,2	37	31,9

Tekshiruv natijalariga ko‘ra asosiy guruhda bakterioskopiya orqali mikobakteriyalarni aniqlash 43,9% ni tashkil etgan, nazorat guruhida esa bu ko‘rsatkich 20,7% ga teng. Kultural usul orqali aniqlash ham asosiy guruhda yuqori bo‘lib 25,3% ni, nazorat guruhida esa 11,2% ni tashkil etgan. COVID-19 bilan bog‘liq holatlarda kultural usul orqali aniqlanish holatlari ham yuqoriroq.

Jami MBTning aniqlanish usuli asosiy guruhda 69,2% ni tashkil qiladi, nazorat guruhida esa 31,9%. Bu natijalar COVID-19 infeksiyasi tuberkulyoz mikobakteriyalarining namoyon bo‘lish xususiyatlariga ta’sirini ko‘rsatadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, COVID-19 va tuberkulez koinfeksiyasida mikobakteriyalarni aniqlash ko‘rsatkichlari yuqori bo‘lib, bu ikki kasallikning o‘zaro ta’siri diagnostika jarayoni murakablashtirishini ko‘rsatadi. Shuningdek, bu xolatlarda laborator tekshiruvlarning samaradorligini oshirish uchun qo‘shimcha tadqiqotlar o‘tkazish zarur.

Diagnostika protokollari COVID-19 bilan qo‘shilgan tuberkulyoz holatlarida bakterioskopiya va kultural usullarini integratsiyalangan va tartibga solingandan so‘ng qo‘llash tavsiya etiladi. Asosiy guruhda MBT+ ning yuqori ko‘rsatkichlariga e’tibor qaratib, COVID-19 va tuberkulyozning birga uchrashi ehtimoli yuqori bo‘lgan bemorlarda muntazam tekshiruv o‘tkazish zarur.

COVID-19 infeksiyasi va tuberkulyoz mikobakteriyalarining o‘rtasidagi aloqalarni aniqlash maqsadida ularni biologik namoyon bo‘lishini chuqurroq o‘rganish zarur.

Balg‘amda mikobakteriyalarni aniqlash uchun bakterioskopiya usulini birinchi usul sifatida tavsiya etiladi va kultural usuldan qo‘shimcha yoki tasdiqlovchi vosita sifatida foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Tuberkulez va COVID-19 infeksiyaslari birga uchrashi, ayniqsa immun tizimi buzilgan bemorlarda, antibakterial dorilarga sezgirlik va turg‘unlikka ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shunday qilib quyidagi 7-jadvalda COVID-19 va tuberkulyoz bilan og‘rigan bemorlar (asosiy guruh) va faqat tuberkulyoz bilan og‘rigan bemorlar (nazorat guruhi) o‘rtasida antibakterial dorilarga sezuvchanlik, ko‘p dorilarga turg‘unlik (MDRTB) va dorilarga keng turg‘unlik (XDRTB) ko‘rsatkichlarini taqqoslash natijalari ko‘rsatilgan. Jadvalda ushbu ko‘rsatkichlar to‘liq va aniq taxlil qilinadi, shuningdek, dorilarga sezgirlik darajalari va turg‘unlik turlarining xar bir holatidagi axamiyatiga alohida e’tibor qaratilgan. Bu ma’lumotlar antibakterial terapiyaning samaradorligini baxolash va har bir bemor uchun individuallashtirilgan davolash strategiyasini ishlab chiqishda muxim axamiyatga ega.

7-jadval.

Antibakterial dorilarga sezgirlik taxlili

Guruh	Asosiy guruh		Nazorat guruhi	
	n=91	%	n=116	%
Dorilarga sezgir	48	52,7	67	57,7
MDRTB	38	42,8	35	30,2
XDRTB	5	5,5	14	12,1

COVID-19 infeksiyasi va tuberkulezning birga uchrashi antibiotiklarga sezgirlik va turg‘unlik darajasiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Mazkur tadqiqot doirasida antibakterial dorilarga umumiy sezgirlik va turg‘unlik ko‘rsatkichlari COVID-19 infeksiyasi, bilan asoratlangan bemorlar (asosiy gurux) va faqat tuberkulez bilan og‘rigan bemorlar (nazorat guruxi) o‘rtasida taqqoslanadi.

1. Dorilarga nisbatan umumiy sezgirlik. Asosiy guruhda umumiy sezgirlik 52,7% ni tashkil qilib, nazorat guruhidagi ko‘rsatkichdan (57,7%) past ekanligi aniqlandi. Bu COVID-19 infeksiyasi immun tizimiga ta’sir etishi natijasida antibiotiklarga nisbatan sezgirlikni pasaytirishi mumkinligini ko‘rsatadi.

2. Ko‘p dorilarga nisbatan turg‘unlik (MDR). Asosiy guruhda MDR darajasi 42,8% ni tashkil etgan, nazorat guruhida esa bu ko‘rsatkich 30,2% ni tashkil qilgan. Bu COVID-19 infeksiyasi bilan bog‘liq holatlarda ko‘p dorilarga turg‘unlik darajasi yuqori bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatadi. Nazorat guruhida ko‘p dorilarga turg‘unlik nisbatan past.

3. Dorilarga nisbatan keng darajali turg‘unlik (XDR). Asosiy guruhda XDR darajasi 5,5% bo‘lsa, nazorat guruhida bu ko‘rsatkich 12,1% ni tashkil qiladi. Bu COVID-19 va tuberkulyoz birga uchragan holatlarda keng turg‘unlik darajasi nisbatan past ekanligini ko‘rsatadi. Nazorat guruhida XDR ning yuqori bo‘lishi antibiotiklarga nisbatan turg‘unlikning murakkab va jiddiy muammo ekanligini yanada tasdiqlaydi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib quydagicha, xulosa qilish mumkin: COVID-19 infeksiyasi antibiotiklarga sezuvchanlikni kamaytirib, ko‘p dorilarga turg‘unlik darajasini oshirishda asosiy omil bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, faqat tuberkulyoz bilan bog‘liq holatlarda XDR ning yuqori bo‘lishi turg‘unlikka ta’sir etuvchi omillar xilma-xilligini ko‘rsatadi.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, COVID-19 va tuberkulyoz birga uchragan holatlarda antibiotiklarga sezgirlikni nazorat qilish uchun maxsus testlar o‘tkazish muximdir. Shuningdek, antibiotiklardan oqilona foydalanish va ko‘p dorilarga turg‘unlikni oldini olish bo‘yicha strategiyalar ishlab chiqish kerak. COVID-19 infeksiyasining antibiotiklarga sezuvchanlikka ta’sirini chuqurroq o‘rganish maqsadida kengroq tadqiqotlar olib borish zarur.

Shu jixatdan PSR diagnostika usuli tuberkulez mikobakterialarini tez va yuqori darajada aniqlik bilan identifikatsiya qilish uchun zamonaviy laboratoriya metodlaridan xisoblanadi. Ushbu tadqiqotda COVID-19 infeksiyasi bilan asoratlangan va faqat tuberkulez bilan og‘rigan bemorlarda PSR usullari (GenXpert va HAIN) orqali olingan natijalarining o‘zaro qiyosiy taxlil o‘tkazildi. Ushbu usullar, ayniqsa, COVID-19 infeksiyasi bilan asoratlangan bemorlarda tuberkulezni erta bosqichda aniqlash imkoniyatini baholash uchun o‘ta muxim xisoblanadi. Shuningdek, ularning sezgirligi va aniqligiga ta’sir qiluvchi omillar o‘rganildi.

8-jadval ushbu metodlar orqali olingan ma’lumotlarning taxlilini taqdim etadi, bu esa COVID-19 va tuberkulyoz diagnostikasida yuqori samaradorlikka ega integratsiyalangan yondashuvlarni ishlab chiqishga asos bo‘lib xizmat qiladi.

8-jadval.

PSR diagnostikasi orqali COVID-19 va tuberkulyoz bilan og‘rigan bemorlarda aniqlangan natijalar qiyosiy tahlili

PSR	Asosiy guruh		Nazorat guruhi	
	n=91	%	n=116	%
COVID +	77	84,6	-	-
COVID -	14	15,4	-	-
GenXpert +	52	57,1	40	34,5
GenXpert -	16	17,6	12	10,3
HAIN +	45	49,5	22	18,9
HAIN -	8	8,8	18	15,5

COVID-19 va tuberkulyozning birgalikdagi holatlari diagnostikani murakkablashtiradi, chunki ularning klinik belgilari interstitsial pnevmoniyaga o‘xshash bo‘lishi mumkin. 8-jadvalda PSR testlar, jumladan GenXpert va HAIN metodlari orqali aniqlangan natijalari taxlil qilinadi, va COVID-19 infeksiyasiga ta’sir bo‘yicha muhim xulosalar chiqaradi.

1. COVID-19 ga tekshiruv (test) natijalari. Asosiy guruhda PSR orqali COVID-19 ga musbat natija 84,6% bemorda qayd etilgan, bu virusning ushbu guruhda keng tarqalganligini ko‘rsatadi. Shunga qaramay 15,4% bemorda COVID-19 virusga nisbatan manfiy natija qayd etilgan. Bunday holat virusning yashirin davrida ekanligini yoki virusli intersistial pnevmoniya kabi boshqa asoratlar bilan bog‘liq xolatlarning mavjudligini ko‘rsatadi.

2. GenXpert natijalari:

GenXpert + (musbat) natijalari: Asosiy guruhda 57,1%, nazorat guruhida 34,5% bemorda. Bu COVID-19 infeksiyasi bilan bog‘liq holatlarda tuberkulyoz bakteriyalarining yuqori darajada aniqlanishini ko‘rsatadi.

- Manfiy natijalar: Asosiy guruhda 17,6%, nazorat guruhida 10,3%. Asosiy guruhda manfiy natijalar ulushining yuqoriroqligi COVID-19 infeksiyasining tuberkulyoz diagnostikasiga ta’sir qilish ehtimolini ko‘rsatadi.

- 3. MBT tekshirshning HAIN usuli bilan tekshirish natijalari:

Musbat natijalar: Asosiy guruhda 49,5%, nazorat guruhida 18,9%. Bu COVID-19 bilan asoratlangan bemorda HAIN testining yuqori sezuvchanlikka ega ekanligini ko‘rsatishi mumkin.

- Manfiy natijalar: Asosiy guruhda 8,8%, nazorat guruhida 15,5%. Asosiy guruhda manfiy natijalarning kamligi HAIN testining COVID-19 infeksiyasi mavjud bo‘lganda yuqori aniqlikka ega ekanligini tasdiqlaydi.

Demak, tadqiqot natijalarining ko‘rsatishiga COVID-19 infeksiyasi davrida tuberkulyoz diagnostikasi uchun qo‘llaniladigan GenXpert va HAIN testlari ko‘proq yuqori natijalar qayd etadi. Bu ikki kasallikning test natijalariga ta’sir qilish ehtimolini ko‘rsatadi.

Asosiy guruhda GenXpert va HAIN testlarining yuqori sezuvchanlik ko‘rsatgani (57,1%), ushbu metodlarning axamiyatini ta’kidlaydi. Shuningdek COVID-19 infeksiyasi diagnostika virusning yashirin davri yoki boshqa asoratlarni hisobga olish muxim. Bu natijalarga asoslanib, diagnostika standartlarini qayta ko‘rib chiqish va xar ikki kasallik uchun interpretatsiyalangan yondashuvlarni ishlab chiqish zarur.

COVID-19 pandemiyasi tuberkulez bilan og‘rigan bemorlarning sog‘ligini va davaolash jarayonlarini jiddiy ravshda murakkablashtiradi. Ushbu ikkala kasallikning birgalikda kechishi o‘pka patolagiyasining rentgenologik xususiyatlarini o‘zgartirishi mumkin. Rentgen tasvirdagi o‘zgarishlarni chuqur taxlil qilish tuberkulezning rivojlanishiga COVID-19 infeksiyasining ta’sirini tushunish, patogenez mexanizmlarini ochib berish va kelgusidagi davolash strategiyalarini takomillashtirish uchun muxim axamiyat kasb etadi.

Shu maqsadda, COVID-19 va tuberkulez bilan og‘rigan bemorlarda rentgen tasvirlaridagi o‘zgarishlar qiyosiy taxlil qilinib, kasallikning patologiyaga bo‘lgan ta’siri o‘rganildi. Asosiy gurux va nazorat guruxi o‘zgarishlarining patofiziologik sabablari muxokama etildi.

9-jadval ma’lumotlari asosida COVID-19 infeksiyasi va tuberkulyoz bilan bog‘liq rentgen tasvirlaridagi o‘zgarishlar qiyosiy taxlil qilish mumkin. Asosiy guruhda bir tomonlama o‘zgarishlar soni 69,2% ni tashkil etgan. Nazorat guruhida bu ko‘rsatkich 67,2% bo‘lgan. Garchi farq statistik jixatdan axamiyatli bo‘lmasada, ikki guruxda ham o‘xshash tendensiyalar kuzatilgan.

9-jadval.

COVID-19 va tuberkulez bilan bog‘liq rentgenologik o‘zgarishlar

		Asosiy guruh, COVID-19 va tuberkulyoz		Nazorat guruhi, tuberkulyoz	
		n=91	**%**	**n=116**	**%**
Bir taraflama Rentgenda uzgarish		63	69,2	78	67,2
Ikki taraflama		28	30,8	38	32,8
O‘ng o‘pka	yuqori	50	54,9	62	53,4
	o‘rta	10	10,9	11	9,4
	pastki	11	12,1	4	3,4
Chap o‘pka	yuqori	45	49,5	60	51,7
	pastki	3	3,3	12	10,3

Ikki tomonlama rentgen o‘zgarishlari asosiy guruhda 30,8% tashkil etgan bo‘lsa, nazorat guruhida bu ko‘rsatkich biroz yuqori — 32,8% tashkil etgan. Nazorat guruxida ikki tomonlama o‘zgarishlarning nisbatan yuqori darajada kuzatilishi tuberkulez infeksiyasining patologiyasi ko‘proq tarqalgan shakllarini aks ettirishi mumkin. Asosiy guruxdagi pastroq ko‘rsatkichlar esa COVID-19 infeksiyasi sabab bo‘lgan lokal immunologik javoblar yoki boshqa patogenez mexanizmlari bilan bog‘liq bo‘lishi extimoli bor.

O‘pka zararlanishining lokalizatsiyasi:

-O‘ng o‘pka: yuqori qismi zararlanishi asosiy guruxda 54,9%, nazorat guruxida esa 53,4% tashkil etgan. Pastki qismi zararlanishi asosiy guruxda 12,1%, nazorat guruxida esa 3,4% bo‘lgan. COVID-19 infeksiyasi o‘pkaning pastki qismlariga kuchliroq ta’sir qilishi mumkin.

-Chap o‘pka: yuqori qismi zararlanishi asosiy guruxda 49,5%, nazorat guruxida esa 51,7% ni tashkil etgan. Pastki qismi zararlanishi asosiy guruxida 3,3%, nazorat guruxida esa 10,3% bo‘lgan. Chap o‘pka pastki qismida COVID-19 infeksiyasi zararlanish darajasini kamaytirish extimoli bor, bu patologiyaning COVID-19 ta’sirida o‘zgarishini ko‘rsatadi.

Xulosa: O‘tkazilgan tahlillar natijasida COVID-19 infeksiyasi va tuberkulyoz (TB) ko-infeksiyasini o‘rganish doirasida ularning klinik, rentgenologik va davolash natijalariga oid muhim jihatlar tahlil qilindi. Asosiy e’tibor ikki infeksiyaning birgalikdagi ta’sirini baholash, ularning klinik ko‘rinishlari va davolash jarayoniga ta’sirini aniqlashga qaratildi. Shu bilan birga, kasallikning patogenezi, diagnostikasi va davolashdagi murakkabliklarni tushunish uchun qimmatli ma’lumotlar to‘plandi. Olingan natijalar COVID-19 infeksiyasining tuberkulyoz fiziologiyasi va klinik o‘zgarishlariga jiddiy ta’sir ko‘rsatishini va ikki infeksiya o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni yaxshiroq tushunish zarurligini yaqqol namoyon etdi.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdool Karim Q, Abdool Karim SS. COVID-19 affects HIV and tuberculosis care. Science. 2020;369(6502):366-8.

2. Guan WJ, Ni ZY, Hu Y, Liang WH, Ou CQ, He JX, China Medical Treatment Expert Group for Covid-19, et al. Clinical Characteristics of Coronavirus Disease 2019 in China. N Engl J Med. 2020;382(18):1708-20.

3. Ongarbayev D. O. et al. Effectiveness of diagnostics and treatment of tuberculosis in patients with covid-19 //World Bulletin of Public Health. – 2023. – T. 20. – C. 29-33.

4. Онгарбайев Д. О. и др. COVID-19 пандемияси шароитида болалар ва усмирларда туберкулёз касаллиги клиник кечишининг узига хос хусусиятлари. – 2022.

5. Онгарбайев Д. О. и др. COVID-19 пандемияси шароитида болалар ва усмирларда туберкулёз касаллиги клиник кечишининг узига хос хусусиятлари. – 2022.

6. Мирсидиков М. Т. У., Онгарбаев Д. О., Эгамов Ф. И. Лапароскопическая реконструкция при параэзофагеальной грыже: как правило фундопликация не нужна //Биология и интегративная медицина. – 2018. – №. 1. – С. 37-48.

7. Онгарбайев Д. О., Ходжаева М. И., Каюмова С. С. Особенности развития и течения туберкулеза у женщин и мужчин в условиях пандемии covid-19 //world of science. – 2023. – С. 250-253.

8. Парпиева Н. Н. и др. Коранавирус инфекцияси ва вирусли зотилжам қушилиб келиши: дис. – Andijon, 2022.

9. Khodzhaeva M. et al. Peculiarities of the course of tuberculosis when combined with hiv infection, complicated by visceral mycosis //Интернаука. – 2020. – №. 24-2. – С. 58-62.

10. Abdugapparov F., Mamatov L., Ongarbayev D. Tuberculous Pleurisy: the role of the ADA Enzyme in Diagnosis and Treatment Outcomes //Ann Clin Case Rep. 2024; 9. – 2024. – Т. 2694.

11. Мухамедов К. С. и др. Ўпка туберкулёзи билан оғриган беморларда спонтан пневмоторакс ва унинг асоратларини даволаш: дис. – Toshkent, 2022.

12. Khodjaeva M. I. et al. Effectiveness of treatment of pulmonary tuberculosis in HIV-infected patients: дис. – 2022.

13. Nusratovna P. N. et al. A Modern View on Outpatient Treatment" From the First Day" of Patients with Pulmonary Tuberculosis in the Conditions of the City of Tashkent //Journal of Coastal Life Medicine. – 2023. – Т. 11. – С. 1291-1297.

14. Назиров П. Х., Сейтбаев Ы. Ш., Онгарбаев Д. О. Современные подходы к эндпротезированию тазобедренного сустава при туберкулёзных поражениях и инфекционных осложнениях //Вестник Ассоциации Пульмонологов Центральной Азии. – 2025. – Т. 14. – №. 9. – С. 312-316.

15. Мирзабаев С. Частота респираторных заболеваний среди больных туберкулезом в северо восточном районе города Ташкента. – 2024.

16. Mukhamedov K. et al. Tuberculosis program for students of medical institutions //Science and innovation. – 2024. – Т. 3. – №. D11. – С. 27-31.

17. Парпиева Н. Н. и др. Организация учебного процесса на кафедре фтизиатрии и пульмонологии ташкентской медицинской академии: дис. – 2024.

18. Парпиева Н. Н. и др. Значение в учебном процессе применения новых методов диагностики туберкулеза-квантиферoновый тест (QUANTIFERON®-TB GOLD IT): дис. – Toshkent, 2024.

19. Парпиева Н. Н. и др. Talabalar klinik fikrlashini rivojlantirishda mdr o ‘pka tuberkulyozining “B” va “C” virusli gepatitlar bilan birga kelgan bemorlarda kasallik klinik kechishining o ‘ziga xos xususiyatlari va oqibatlarini muammoga asoslangan ta’limning o ‘rni: дис. – Toshkent, 2024.

20. Mirzaboyev S. et al. Zamonaviy tibbiyot sharoitida birlamchi aniqlangan tuberkulyozning turli shakillarini barvaqt aniqlashda raqamli rentgen diagnostikasining ahamiyati. – 2023.

21. Мирзабаев С. Частота респираторных заболеваний среди больных туберкулезом в северо восточном районе города Ташкента. – 2024.

УДК: 616.36-089.82:616.33-007.2

Бабаев Хамза Нурматович – Ph.D., доцент
Холиева Нигора Худайберганoвна – ассистент
Мирзаулукова Мияссар Убайдуллаевна – к.б.н., преподаватель
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)
EMU University (Ташкент, Узбекистан)
Академический лицей Ташкентского фармацевтического института (Ташкент, Узбекистан)

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА У ПАЦИЕНТОВ, ИНФИЦИРОВАННЫХ SARS-CoV-2

Аннотация. *Пандемия новой коронавирусной инфекции (COVID-19) до настоящего времени остаётся испытанием для всех систем здравоохранения в мире. Глобальный характер угрозы для человечества связан с эпидемиологическими особенностями вируса SARS-CoV-2, его высокой заразностью и мутагенностью, что приводит к высоким показателям заболеваемости и смертности. По данным Всемирной организации здравоохранения, количество заболевших COVID-19 в мире достигло 494 587 638 человек, из которых 6 170 283 умерли.*

Опыт борьбы с пандемией COVID-19 показал важность последовательного применения указанных этапов. Безусловно, изучение генетических особенностей вируса SARS-CoV-2 и широкое внедрение иммунопрофилактики дополняют эффективность противоэпидемических мероприятий. Однако даже их совокупность не решает полностью комплекс проблем, связанных с продолжающимся распространением новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Вместе с тем всё большее внимание уделяется изучению кишечного микробно-тканевого комплекса, а также патогенетическим изменениям по «кишечно-лёгочной» функциональной оси, связанным с нарушением микробиоты кишечника и кишечной проницаемости.

Нашем исследовании при аутопсии пациентов с установленным диагнозом новой коронавирусной инфекции были изучены ткани желудочно-кишечного тракта. Морфологические особенности изменений слизистой оболочки кишечника после коронавирусной инфекции проявлялись наличием в поверхностном эпителии железистых структур слизистой оболочки разреженной волокнистой соединительной ткани, очаговым расположением интраэпителиальных лимфоцитов, в отдельных случаях атрофическими изменениями структур MALT, а также присутствием уменьшенных по объёму железистых эпителиев в интерстициальной строме.

Ключевые слова: *патоморфология, желудочно-кишечный тракт, покровный эпителий, структуры MALT, коронавирусная инфекция.*

Бабаев Хамза Нурматович – Ph.D., доцент
Холиева Нигора Худайберганoвна – ассистент
Мирзаулукова Мияссар Убайдуллаевна – б.ф.н., ўқитувчи
Тошкент Давлат Тиббиёт Университети (Тошкент, Ўзбекистон)
EMU University (Тошкент, Ўзбекистон)
Тошкент фармацевтика институти академик лицейи (Тошкент, Ўзбекистон)

SARS-COV-2 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ҳозиргача барча мамлакатлар соғлиқни сақлаш тизимлари учун синов бўлиб келмоқда. Инсоният учун таҳдиднинг глобал характери SARS-CoV-2 вирусининг эпидемиологик хусусиятлари, унинг юқори даражада юқумлилиги ва мутагенлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат юқори касалланиш ва ўлим кўрсаткичларига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича COVID-19 билан касалланганлар сони 494 587 638 нафарга етган, шундан 6 170 283 нафар инсон вафот этган.*

COVID-19 пандемиясига қарши кураш тажрибаси ушбу босқичларни изчил қўллашнинг аҳамиятини кўрсатди. Албатта, SARS-CoV-2 вирусининг генетик хусусиятларини ўрганиш ва кенг кўламда иммунпрофилактикани жорий этиш эпидемияга қарши чоралар самарадорлигини тўлдиради. Бироқ, уларнинг йиғиндиси ҳам янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг давом этиши билан боғлиқ муаммолар мажмуасини тўлиқ ҳал этмайди. Шу билан бирга, ичакнинг микроб-тўқима мажмуасини ўрганишга, ичак микробиотаси ва ичак ўтказувчанлигининг бузилиши билан кечувчи «ичак-ўпка» функционал ўқи бўйича патогенетик ўзгаришларни тадқиқ этишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Айни тадқиқот ишимизда янги коронавирус инфекцияси ташхиси қўйилган беморлар аутопсиясида ошқозон-ичак тракти тўқимаси ўрганилди. Коронавирус инфекциясидан кейинги ичак шиллиқ қаватидаги ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари бу, ичак шиллиқ қавати без тузилмалари компонентларининг юза қопловчи эпителийларида сийрак толали бирикитрувчи тўқима, оралиқда интраэпителиал лимфоцитларни ора-сира жойлашиши, баъзиларида МАЛТ тузилмаларининг атрофик ўзгариши, оралиқ стромасида ҳажман кичиклашган без эпителийларини бўлиши билан намоён бўлди.

Калит сўзлар: *патоморфология, ошқозон-ичак тракти, қопловчи эпителий, МАЛТ тузилма, коронавирус инфекцияси.*

Babaev Khamza Nurmatovich – Ph.D., associate professor
Kholieva Nigora Hudayberganovna – assistant
Mirzaulukova Miyassar Ubaydullaevna – Ph.D., lecturer
Tashkent State Medical University (Tashkent, Uzbekistan)
EMU University (Tashkent, Uzbekistan)
Academic Lyceum of Tashkent Pharmaceutical Institute (Tashkent, Uzbekistan)

PATHOMORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE GASTROINTESTINAL TRACT IN PATIENTS INFECTED WITH SARS-COV-2

Abstract. *The COVID-19 pandemic still remains a challenge for healthcare systems in all countries. The global nature of this threat to humanity is associated with the epidemiological characteristics of the SARS-CoV-2 virus, its high contagiousness and mutagenicity, which lead to high morbidity and mortality rates. According to the World Health Organization, the number of COVID-19 cases worldwide has reached 494,587,638, of which 6,170,283 people have died.*

The experience of combating the COVID-19 pandemic has demonstrated the importance of consistently applying these stages. Certainly, studying the genetic characteristics of the SARS-CoV-2 virus and the large-scale implementation of immunoprophylaxis complement the effectiveness of epidemic control measures. However, even their combination does not fully resolve the set of problems associated with the continued spread of the novel coronavirus infection (COVID-19). At the same time, increasing attention is being given to the study of the intestinal microbial-tissue

complex, as well as pathogenetic changes along the "gut–lung" functional axis associated with disturbances in intestinal microbiota and intestinal permeability.

In the present study, the gastrointestinal tract tissues were examined during autopsies of patients diagnosed with the novel coronavirus infection. The morphological features of changes in the intestinal mucosa after coronavirus infection were manifested by the presence of loose fibrous connective tissue in the surface epithelium of glandular structures of the mucosa, occasional distribution of intraepithelial lymphocytes, atrophic changes of MALT structures in some cases, and the presence of reduced-volume glandular epithelia in the interstitial stroma.

Keywords: *pathomorphology, gastrointestinal tract, covering epithelium, MALT structures, coronavirus infection.*

Актуальность темы: В патогенезе COVID-19 особое место занимает состояние функциональных осей «кишечник – легкие» [1]. Известно, что кишечник человека является экологической средой для огромной популяции микробиоты, где преобладают виды Bacteroidetes и Firmicutes [2], и синтезирует метаболиты, необходимые для поддержания гомеостаза кишечника [3]. Микробиота кишечника играет важную роль в синтезе витаминов [4], защите от патогенов [5], развитии и созревании иммунной системы хозяина [6], процессе ангиогенеза в кишечнике [7], а также в дифференцировке и пролиферации эпителиальных клеток кишечника [8, 9]. При этом микробиологический профиль кишечника каждого человека изменчив и может качественно и количественно различаться даже среди здоровых людей. Более того, микробиота кишечника человека изменяется на протяжении всей жизни [3, 10].

Любое отклонение от нормального микробного состава кишечника определяется как «микробный дисбиоз». Он характеризуется увеличением числа патобионтов, а также нестабильностью или уменьшением популяции «ключевых» таксонов, таких как Bacteroidetes и Firmicutes [11]. Концепция дисбиоза кишечника подробно обсуждалась в анализе H. Brussow (2020) для ряда нозологических форм [12].

Согласно данным ряда исследователей, изменения микробиоты кишечника связаны с тяжёлым течением COVID-19 [3, 13]. Известно, что нарушение микробиоты кишечника тесно связано с дисбалансом взаимодействий между кишечником и несколькими жизненно важными целевыми органами человека, что приводит к тяжёлым клиническим проявлениям COVID-19 [1].

Кроме того, у многих пациентов с инфекциями дыхательных путей часто наблюдаются признаки патологии органов желудочно-кишечного тракта или дисфункции кишечника [14]. Острое повреждение лёгких нарушает микробиоту дыхательных путей, способствует временной транслокации бактерий в кровоток и резкому увеличению бактериальной нагрузки в тонком кишечнике. У больных с хронической обструктивной болезнью лёгких отмечено повышение проницаемости кишечника и высокая частота воспалительных заболеваний кишечника (ВЗК). Напротив, здоровая микробиота поддерживает толерогенные иммуномодулирующие эффекты в кишечнике и защищает от системных воспалительных заболеваний [12].

Кроме того, в ось «кишечник–лёгкие» включается также перенос иммунных клеток из кишечника в дыхательные пути через систему микроциркуляции. У больных с заболеваниями кишечника высокий уровень воспалительных медиаторов в сыворотке крови влияет на иммунный ответ, формируя при этом специфический локальный микросреду в лёгких [15].

Анализ данных литературы показывает, что острые респираторные вирусные инфекции (ОРВИ) могут изменять микробиом кишечника, тем самым трансформируя адаптивный иммунный ответ на пато-

гены дыхательных путей. Степень реакции макрофагов дыхательных путей на вирусы, в свою очередь, зависит от наличия и качества микробиома кишечника [16]. В целом это подтверждает концепцию о том, что лёгкие и кишечник являются тесно взаимосвязанными органами, оказывая влияние на гомеостаз через иммунологическую координацию между ними. При этом микробно-тканевый комплекс играет важную роль в формировании как нормальных, так и патологических иммунных ответов в лёгких и кишечнике.

Таким образом, вирус COVID-19 может повреждать желудочно-кишечный тракт несколькими путями. Во-первых, возможно проникновение в клетки через рецепторы. Во-вторых, он может вызывать воспаление и изменять проницаемость слизистых оболочек. Наконец, вирус может влиять на состав микробиоты кишечника, нарушая ось «кишечник–лёгкие» и тем самым способствуя усилению симптомов дыхательных путей. В таких случаях применение препаратов, восстанавливающих защитный барьер слизистых оболочек пищеварительной и дыхательной системы с целью укрепления иммунной системы, является целесообразным и может снижать вероятность заражения новой коронавирусной инфекцией.

В то же время вопросы о том, что симптомы со стороны желудочно-кишечного тракта являются основными прогностическими факторами новой коронавирусной инфекции и связаны с риском развития пневмонии, острой дыхательной недостаточности, острого респираторного дистресс-синдрома и сепсиса, ещё не изучены полностью. Всё это указывает на необходимость дальнейшего исследования повреждений органов пищеварения при COVID-19 и их влияния на течение болезни и прогноз.

В настоящее время, несмотря на значительные успехи в лечении этого заболевания, новая коронавирусная инфекция по-прежнему остаётся актуальной и сложной проблемой [3].

Цель: изучить специфические особенности патоморфологических изменений, возникающих в желудочно-кишечном тракте у больных новой коронавирусной инфекцией.

Материал и методы: объектом исследования были ткани желудочно-кишечного тракта 183 умерших больных с новой коронавирусной инфекцией, вскрытия которых проводились в Республиканском центре патологической анатомии в 2019–2022 годах. Были проанализированы морфологические изменения полученных тканей.

Результаты исследования и их обсуждение: Несмотря на достигнутые в последние годы определённые успехи в вирусологии и медицине, проблема коронавирусной инфекции у больных остаётся актуальной [6]. Поскольку ткань желудочно-кишечного тракта выполняет в организме функции основного обмена веществ и барьерной защиты, наблюдаются выведение экзо- и эндотоксических веществ клетками эпителия ЖКТ, острый дефицит внутриклеточных ферментов и нарушения ультраструктуры клеток [7]. Это, в свою очередь, приводит к резкому снижению синтеза белковых структур, необходимых для иммунных комплексов, и острому дефициту внутриклеточных белков [9]. Макроскопически в желудочно-кишечном тракте выявляются изменения, связанные с прямым энтеротропным действием вируса, общей воспалительной реакцией и нарушениями кровообращения.

В слизистой оболочке выявляются гиперемия, отёк и переполнение капилляров, эрозии и, в отдельных случаях, очаги поверхностного воспаления, а также очаги кровоизлияний (петехии, мелкие геморрагии). В кишечнике отмечается диффузная или очаговая гиперемия и отёк слизистой оболочки. Лимфоидные узлы заметно увеличены. На поверхности слизистой оболочки выявляются эрозивно-язвенные процессы. В мезентериальных сосудах наблюдаются тромбоз и тромбоэмболия, приводящие к резкому переполнению сосудов на поверхности серозной оболочки.

Микроскопически патоморфологические изменения в желудочно-кишечном тракте чаще всего развиваются вследствие прямого энтеротропного действия вируса, иммуновоспалительной реакции, микротромбоза и ишемии. В эпителиальных клетках слизистой оболочки желудка отмечаются дистрофические изменения: вакуолярная или гидропическая дистрофия. Наблюдается десквамация поверхностного эпителия. В строме слизистой оболочки выявляется серозно-геморрагический экссудат.

Отмечаются мелкие кровоизлияния и застой в капиллярах. Выявляется лимфоцитарная и плазмоцитарная инфильтрация. В энтероцитах наблюдается вакуолярная дистрофия и гранулярные изменения в цитоплазме. Отмечается атрофия и десквамация ворсин. В криптах выявляется пролиферация эпителия и увеличение числа митозов. В просвете кишечника определяется мононуклеарная инфильтрация, в капиллярах — отёк эндотелиальных клеток и тромбозы. В слизистой оболочке толстого кишечника выявляется воспалительная инфильтрация (лимфоциты, нейтрофилы, макрофаги). Наблюдается дистрофия крипт и микроабсцессы (крипт-абсцессы). Отмечаются эндотелиит и периваскулярная инфильтрация. В микроциркуляторном русле — тромбы, вакуолярная дистрофия и очаги некроза в эндотелиальных клетках, периваскулярный отёк. В пейеровских бляшках и лимфоидных фолликулах наблюдается гиперплазия. Проявляется увеличение апоптоза лимфоидных клеток (см. рис. 1).




Рис. 1. **Выраженная лимфоплазмоцитарная инфильтрация выявлена в ткани собственной пластинки слизистой оболочки кишечника, при этом отмечается наличие большого числа эозинофилов. Регенераторная гиперплазия выражена умеренно. Нарушена структура крипт, наблюдается десквамация эпителиальных клеток слизистой оболочки. Окрашено гематоксилином и эозином; ×200**

Согласно результатам исследования, у 16 % больных наблюдались только гастроэнтерологические симптомы. Среди 183 пациентов наиболее часто встречался симптом потери аппетита, происхождение которого носило преимущественно первичный характер. У двух третей больных отмечались тошнота и рвота, у трети — диарея, а у четверти — боли в животе, связанные с симптомами со стороны желудочно-кишечного тракта. Кроме того, у большинства пациентов наблюдалось незначительное повышение активности печёночных ферментов.




Рис. 2. **Слабо выраженная лимфоплазмоцитарная инфильтрация наблюдается в собственной пластинке слизистой оболочки кишечника, выявляются отдельные нейтрофилы. Структура крипт и часть чашеобразных клеток десквамированы. Окрашено гематоксилином и эозином; ×400**

В другом исследовании L. Pan и соавт. (2020) у 48,5 % пациентов выявлены признаки поражения желудочно-кишечного тракта, включая анорексию (83,8 %), диарею (29,3 %), рвоту (8,1 %) и боли в животе (4,0 %). У некоторых пациентов одновременно проявлялись несколько симптомов [18].




Рис. 3. **У больного с инфекцией SARS-CoV-2 отмечено поражение тонкой кишки. Согласно данным биопсии, взятой из подслизистого слоя тонкой кишки, в просвете вены (чёрный маркер) и мелких артерий (красный маркер) выявлены фибриновые тромбы. При этом признаков воспаления в базальном слое слизистой оболочки не обнаружено. Окрашено гематоксилином и эозином; ×200**

Дальнейшее изучение этого вопроса, а также поиск эффективных методов оценки проницаемости слизистой оболочки кишечника, рассматриваются как перспективные направления коррекции гастроэнтерологических проявлений COVID-19. По мнению ряда авторов, нарушение регуляции проницаемости эпителия верхних и нижних дыхательных путей и кишечника является крайне актуальной проблемой, поскольку синдром повышенной проницаемости эпителия (СППЭ) входит в патогенез многих заболеваний, включая инфекционные. Изучение механизмов повышения проницаемости эпителия имеет большое значение для разработки методов профилактики и лечения заболеваний, в том числе COVID-19.




Рис. 4. **Выраженная лимфоплазмоцитарная инфильтрация выявлена в ткани собственной пластинки слизистой оболочки кишечника. Регенераторная гиперплазия выражена умеренно. Структура крипт частично сохранена, количество чашеобразных клеток немного уменьшено. Окрашено гематоксилином и эозином; ×200**

Клинически-морфологические изменения слизистой оболочки желудочно-кишечного тракта после новой коронавирусной инфекции. У больных после COVID-19 отмечаются патологические изменения не только в органах дыхания, но и в желудочно-кишечном тракте различной степени выраженности. Они характеризуются клиническими симптомами и морфологическими изменениями. Наблюдаются диспепсический синдром (потеря аппетита, ощущение тяжести, тошнота, рвота), диарея или запор, боли в брюшной полости (особенно в эпигастральной области), метеоризм и вздутие, а также длительные проявления дисбиоза в постковидный период.

